


Respublika OAK jurnali

ISSN 2181-4201

TA'LIM TRANSFORMATSIYASI

ILMIY-METODIK JURNALI



AVGUST 2026, 5-SON

BUXORO DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
<https://etjournal.buxdpi.uz>



BUXORO DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

TA'LIM TRANSFORMATSIYASI

ILMIY – METODIK JURNAL

№. 5

BUXORO – 2026

МАКТАБ КЛАСТЕРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН, КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ВА РЕСУРСЛАРГА АСОСЛАНГАН ЁНДАШУВЛАР

Максуда Умаровна Бадалова,

А. Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти ректор маслаҳатчиси,
и. ф. ф. д. (PhD), dotsent
ORCID 0000-0002-9485-0756

Аннотация: Мақолада мактаб кластерини ривожлантиришда инновацион, компетенциявий ва ресурсларга асосланган ёндашувларнинг илмий-назарий асослари ёритилган. Инновацион ёндашув таълим мазмуни ва технологияларини янгилашга, компетенциявий ёндашув ўқувчиларнинг амалий ва ҳаётий кўникмаларини шакллантиришга, ресурсларга асосланган ёндашув эса таълим субъектлари имкониятларини бирлаштиришга хизмат қилиши асосланган. Мактаб кластерининг иштирокчилари ва асосий вазифалари тизимлаштирилган. Тадқиқот натижасида «инновация – компетенция – ресурс – ҳамкорлик – мониторинг – натижа» модели таклиф этилган.

В статье рассмотрены научно-теоретические основы инновационного, компетентностного и ресурсного подходов в развитии школьного кластера. Обосновано, что инновационный подход обеспечивает обновление содержания и технологий образования, компетентностный подход способствует формированию практических и жизненных навыков учащихся, а ресурсный подход позволяет объединять возможности участников образовательного процесса. Систематизированы основные участники и функции школьного кластера. Предложена модель «инновация-компетенция-ресурс-сотрудничество-мониторинг-результат».

The article examines the theoretical foundations of innovation, competence-based and resource-based approaches to the development of a school cluster. The innovation approach supports the renewal of educational content and technologies, while the competence-based approach develops students' practical and life skills. The resource-based approach enables the integration of educational, scientific, human and material resources. The study proposes an integrated model based on the sequence “innovation- competence- resources-cooperation- monitoring-outcomes”.

Таянч сўзлар: мактаб кластери, инновация, компетенция, рақамли таълим, ресурслар, таълим технологиялари, таълим сифати, рақобатбардош кадр.

Школьный кластер, инновация, компетенция, цифровое образование, ресурсы, образовательные технологии, качество образования, конкурентоспособные кадры.

School cluster, innovation, competence, digital education, resources, educational technologies, quality of education, competitive workforce.

КИРИШ (INTRODUCTION)

Замонавий таълим тизимида таълим сифатини фақат ўқувчиларга билим бериш ҳажми билан баҳолаш етарли эмас. Таълим натижалари ўқувчининг олган билимларини амалиётда қўллай олиши, муаммоларни ҳал қилиши, мустақил қарор қабул қилиши, рақамли воситалардан фойдаланиши ва янги ғоялар яратиши билан ҳам белгиланади. Ижодий фикрлаш ғояларини яратиш, уларни баҳолаш ва такомиллаштириш қобилиятига компетенция сифатида қаралади. Бу эса замонавий мактаб таълимида инновацион ва компетенциявий ёндашувларнинг аҳамиятини янада оширади.

Бундай шароитда мактаб кластери фақат ташкилотлар ҳамкорлиги эмас, балки инновацион таълим муҳитини шакллантириш, компетенцияларни ривожлантириш ва мавжуд ресурсларни бирлаштириш механизми сифатида қаралиши лозим.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади мактаб кластерининг инновацион, компетенциявий ва ресурсларга асосланган тамойилларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш ҳамда уларни Ўзбекистон мактаб таълими тизимида амалга оширишнинг устувор йўналишларини

белгилашдан иборат.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР (METHODS)

Тадқиқотда илмий адабиётларни таҳлил қилиш, киёсий таҳлил, тизимли ёндашув, функционал таҳлил ва концептуал моделлаштириш методларидан фойдаланилди.

Инновацион таълим, компетенциявий ёндашув, рақамли таълим, таълим ресурсларини бошқариш ва кластер субъектлари ўртасидаги ҳамкорликка оид халқаро ёндашувлар ўрганилди.

Шунингдек, Ўзбекистон таълим тизимида педагогларнинг касбий ривожланиши, рақамли трансформация ва таълим сифатини оширишга қаратилган замонавий жараёнлар таҳлил қилинди.

НАТИЖАЛАР (RESULTS)

Тадқиқот натижасида мактаб кластери фаолиятининг иккинчи гуруҳ концептуал асослари сифатида қуйидаги тамойиллар белгиланди:

- инновацион ёндашув;
- компетенциявий ёндашув;
- ресурслардан самарали фойдаланиш.

Инновацион ёндашув

Инновацион ёндашув мактаб кластерида таълим мазмуни, ўқитиш технологиялари, бошқарув механизмлари ва таълим ресурсларини мунтазам янгилаб боришни назарда тутди.

Мактаб кластерининг инновацион муҳитида ўқувчи тайёр билимларни қабул қилувчи субъект эмас, балки изланувчи, тадқиқотчи ва ижодкор сифатида намоён бўлади. Шу сабабли лойиҳавий таълим, муаммоли таълим, кейс-стади, STEAM, тадқиқотчилик фаолияти ва рақамли таълим технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Рақамли таълим воситалари ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш имкониятларини кенгайтиради. Электрон дарсликлар, виртуал лабораториялар, онлайн платформалар, рақамли баҳолаш ва сунъий интеллект воситалари таълим жараёнини индивидуаллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Бироқ инновацияни жорий этишнинг ўзи етарли эмас. Унинг таълим натижасига таъсири мунтазам мониторинг қилиниши керак. Шу сабабли мактаб кластерининг инновацион моделида «инновация-апробация-мониторинг-таҳлил-такомиллаштириш» цикли жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Компетенциявий ёндашув

Компетенциявий ёндашув таълим натижасини ўқувчининг билимни амалиётда қўллаш қобилияти билан боғлайди.

Мактаб кластерида қуйидаги компетенцияларни шакллантириш устувор ҳисобланади:

1. коммуникатив компетенция;
2. ахборот билан ишлаш компетенцияси;
3. рақамли компетенция;
4. танқидий фикрлаш;
5. ижодий фикрлаш;
6. жамоада ишлаш;
7. муаммоларни ҳал қилиш;
8. мустақил таълим олиш;
9. касбий йўналишни белгилаш.

Кластер моделида компетенцияларни шакллантириш назарий ва амалий таълимни бирлаштириш орқали амалга оширилади. Масалан, университет лабораторияларида амалий машғулотлар, ишлаб чиқариш корхоналарида танишув амалиёти, илмий лойиҳалар ва стартаплар ўқувчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиради.

Компетенциявий ёндашув баҳолаш тизимини ҳам ўзгартиради. Фақат тест натижасига

таяниш ўрнига портфолио, амалий лойиҳа, тақдимот, кейс, тадқиқот иши ва ижодий топшириқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ресурслардан самарали фойдаланиш

Мактаб кластерида ресурслар моддий, молиявий, инсон, ахборот ва илмий-методик ресурсларга ажратилади.

Моддий ресурслар — лабораториялар, кутубхоналар, компьютер хоналари, робототехника ва STEAM лабораториялари, спорт иншоотлари.

Инсон ресурслари — педагоглар, олимлар, профессор-ўқитувчилар, психологлар, методистлар ва ишлаб чиқариш мутахассислари.

Ахборот ресурслари — электрон кутубхоналар, таълим платформалари, маълумотлар базалари ва рақамли контент.

Илмий-методик ресурслар — илмий мақолалар, методик қўлланмалар, инновацион педагогик технологиялар ва ўқув дастурлари.

Молиявий ресурслар — бюджет маблағлари, грантлар, инвестициялар, ҳомийлик ва давлат-хусусий шериклик маблағлари.

Кластер ёндашувининг асосий афзалликларидан бири мазкур ресурсларни умумий мақсад йўлида бирлаштиришдир. Масалан, қиммат лабораторияни ҳар бир мактаб алоҳида ташкил этиши ўрнига кластер доирасида умумий лабораториядан бир нечта мактаб фойдаланиши мумкин.

Бу модел ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бирга таълим муассасалари ўртасидаги имкониятлар тафовутини камайтиришга ҳам хизмат қилади.

Мактаб кластери иштирокчилари

Тадқиқот натижасида мактаб кластерининг асосий иштирокчилари қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

Иштирокчи	Асосий функцияси
Умумий ўрта таълим мактаблари	Асосий таълим жараёни
Мактабгача таълим ташкилотлари	Бошланғич тайёргарлик ва ворисийлик
Олий таълим муассасалари	Илмий-методик ва инновацион қўллаб-қувватлаш
Илмий-тадқиқот ташкилотлари	Илмий тадқиқот ва инновациялар
Малака ошириш марказлари	Педагогларнинг касбий ривожланиши
Ишлаб чиқариш субъектлари	Амалий таълим ва касбга йўналтириш
Давлат ташкилотлари	Ташкилий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш
Нодавлат ташкилотлар	Ижтимоий лойиҳалар ва шериклик
Ота-оналар ва жамоа	Ижтимоий ҳамкорлик

Мазкур иштирокчиларнинг вазифалари ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилса, кластернинг синергетик самараси юзага келади.

Мактаб кластерининг асосий вазифалари

Тадқиқот асосида мактаб кластери вазифалари қуйидагича тизимлаштирилди:

- таълим сифати ва самарадорлигини ошириш;
- педагогларнинг касбий маҳоратини мунтазам ривожлантириш;
- иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш;
- инновацион таълим технологияларини жорий этиш;
- рақамли таълим муҳитини ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантириш;
- ўқувчиларни касбга йўналтириш;
- меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлаш;
- таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш;
- таълим сифати мониторингини такомиллаштириш.

Мактаб кластерида бошқарув механизми

Кластер модели самарадорлиги кўп жиҳатдан бошқарув механизмига боғлиқ. Шу мақсадда кластерда мувофиқлаштирувчи кенгаш ёки координация механизмини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Унинг асосий вазифалари:

- умумий стратегик мақсадларни белгилаш;
- иштирокчилар вазифаларини тақсимлаш;
- қўшма лойиҳаларни шакллантириш;
- ресурсларни мувофиқлаштириш;
- мониторинг ва баҳолаш;
- натижаларни таҳлил қилиш;
- инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш.

Бошқарув жараёни рақамли маълумотлар базаси билан таъминланса, қарор қабул қилишнинг тезкорлиги ва асосланганлиги ошади.

МУҲОКАМА (DISCUSSION)

Инновацион, компетенциявий ва ресурсларга асосланган ёндашувларнинг ўзаро уйғунлиги мактаб кластерининг амалий самарадорлигини белгилайди.

Инновация таълим жараёнини янгиласа, компетенциявий ёндашув таълим натижасини белгилайди, ресурсларга асосланган ёндашув эса ушбу натижага эришиш учун зарур имкониятларни бирлаштиради.

Шу жиҳатдан уларни алоҳида эмас, ягона тизим сифатида қараш мақсадга мувофиқ:

Инновация → янги таълим технологияси;

Компетенция → кутилган таълим натижаси;

Ресурс → натижага эришиш имконияти;

Мониторинг → натижани баҳолаш;

Такмиллаштириш → кейинги ривожланиш босқичи.

Бундай ёндашув мактаб кластерини ўз-ўзини ривожлантирувчи таълим тизимида айлантириши мумкин.

Ўзбекистон шароитида кластер моделини жорий этишда ҳудудларнинг иқтисодий, ижтимоий ва таълимий хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим. Яъни барча ҳудудлар учун бир хил модель эмас, балки ягона концептуал асосга эга бўлган, маҳаллий эҳтиёжларга мослаштирилаётган модуль моделни қўллаш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари мактаб кластерининг инновацион, компетенциявий ва ресурсларга асосланган ёндашувларини ўзаро боғлиқ тизим сифатида шакллантириш зарурлигини кўрсатди.

Инновацион ёндашув таълим мазмуни ва технологияларини мунтазам янгилаш, рақамли воситалардан фойдаланиш ва инновацион муҳит яратишни таъминлайди. Компетенциявий ёндашув ўқувчиларнинг билимларни ҳаётий ва касбий вазиятларда қўллаш, мустақил фикрлаш, ижодкорлик ва муаммоларни ҳал қилиш қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ресурслардан самарали фойдаланиш эса мактаб, университет, илмий ташкилот ва ишлаб чиқариш субъектларининг имкониятларини умумий мақсад асосида бирлаштириш имконини беради.

Шу асосда мактаб кластери фаолиятини «инновация- компетенция- ресурс- ҳамкорлик- мониторинг-натижа» модели асосида ташкил этиш таклиф этилди.

Ушбу модель Ўзбекистон мактаб таълими тизимида таълим сифатини ошириш, педагогларнинг касбий салоҳиятини ривожлантириш, ўқувчиларни замонавий касбларга тайёрлаш, рақамли таълим муҳитини кенгайтириш ва таълим муассасалари ресурсларидан

самарали фойдаланиш учун институционал асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonuni. O‘RQ-637, 23.09.2020.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi xalq ta’limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5712-son Farmoni, 29.04.2019.
3. Авлиёкулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технология: олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент: Cho‘lpon NMIU, 2012. – 208 б.
4. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши ш., 2000.
5. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия, 2003. – 172 б.
6. Сайидахмедов Н.С., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. – Тошкент: РТМ, 1999. – 55 б.
7. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш. – Тошкент: Фан, 2004. – 128 б.
8. Porter M. E. The Competitive Advantage of Nations. New York: Free Press, 1990.
9. World Bank. Education and Skills Development: Uzbekistan Country Materials.
10. UNESCO. Education 2030: Incheon Declaration and Framework for Action.

MUNDARIJA

PEDAGOGIKA , PSIXOLOGIYA VA METODIKA	
AKMEOLOGIK YONDASHUV ASOSIDA TALABALARNING INDIVIDUAL JISMONIY YUKLAMALARINI OPTIMALLASHTIRISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH Mansurov Olimjon Odil o'g'li	4
CHUQURLASHTIRILGAN IXTISOSLIK BOSQICHIDA UZOQ MASOFAGA YUGURUVCHILARNING MASHG'ULOT JARAYONINI BOSHQARISH MUAMMOLARI Sirojev Shoxrux Fayzullo o'g'li	11
CHAQIRIQQACHA HARBIY TA'LIM DIDAKTIKASIDA TARBIYALASHNING ASOSIY YO'NALISHLARI Bozorov Aziz Abloqulovich	16
DIFFERENSIAL YONDASHUV ASOSIDA BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA TASVIRIY SAN'AT KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK ASOSLARI Bozorova Hamida Shukrilloevna	23
CHIZMACHILIK FANINI SUN'IIY INTELLEKTDAN FOYDALANIB O'QITISHNI RIVOJLANTIRISH METODIKASI Omonova Rayxon	26
JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA REGBI ELEMENTLARIDAN FOYDALANISH ORQALI TALABALARNING HARAKAT KOORDINATSIYASINI RIVOJLANTIRISH TEXNOLOGIYASI E.E. Jumayev	31
JISMONIY MADANIYAT YO'NALISHI TALABALARIGA KURASH TEXNIK HARAKATLARINI O'RGATISHNING UYG'UNLASHTIRILGAN METODIK MODEL G'ulomov Nasillo Baxshullo o'g'li	34
BO'LAJAK PEDAGOGLARDA HUQUQIY KOMPETENSIYALARNI SHAKLLANTIRISH MEZONLARI VA INDIKATORLARI Mirzayev Toxirjon Turg'unovich	43
ISSIQ IQLIMDA MASHG'ULOT YUKLAMASINI RPE VA YURAK URISH CHASTOTASI YORDAMIDA BAHOLASH I.I. Saidov	55
IMOM ABU HOMID G'AZZOLIY QARASHLARI ASOSIDA FARZAND TARBIYASINING METODOLOGIK VA NAZARIY ASOSLARINI TADQIQ ETISH Isoqova Gulnoz Ulug'bek qizi	61
RAQAMLI MONITORING VOSITALARI ORQALI YOSH KURASHCHILAR YUKLAMASINI OPTIMALLASHTIRISH Karim Mahramov	67

TALABALARNING REFLEKSIV KOMPETENSIYASINI SHAKLLANTIRISHNING MAVJUD HOLATI Jumayeva Azizabonu Mo'min qizi	74
IQTIDORLI O'QUVCHILAR BILAN ISHLASHGA DOIR TAJRIBALAR Kattaqulova Nozbibi Shokir qizi	82
MINIATYURA SAN'ATIDA AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY TASVIRIY VOSITALARNING UYG'UNLIGI Nozimova Muhabbat Akram qizi	85
DIGITAL TECHNOLOGY FOR L2 LISTENING DEVELOPMENT: CALL, MALL, CAPTIONS, VR, AND AI Juraboeva Nigina Olimjon kizi	95
ISSIQ IQLIM SHAROITIDA GIDRATATSIYA TARTIBINING YOSH YENGIL ATLETIKACHILARNING FUNKSIONAL HOLATI VA JISMONIY ISH QOBILIYATIGA TA'SIRI Nuriddinov Axrorjon Bahodir o'g'li	99
GANDBOLCHI TALABA QIZLARDA JISMONIY SIFATLARNI RIVOJLANTIRISHDA BOSQICHMA-BOSQICH YUKLAMA BERISH METODIKASI Dilnoza I. Yarasheva	105
OLIY TA'LIM MUASSASALARI TALABALARIGA BOSQON ULOQTIRISH TEXNIKASINI O'RGATISHNING PEDAGOGIK VA METODIK ASOSLARI Sarvinoz Iskandar qizi	111
GIMNASTIKA VOSITALARI ORQALI BO'LAJAK JISMONIY MADANIYAT O'QITUVCHILARINING KASBIY KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK IMKONIYATLARI Saidova Mahbuba Ayubovna	118
BOSHLANG'ICH TAYYORLOV GURUHIDAGI SPORT GIMNASTIKACHILARDA MOSLASHUVCHANLIKNI RIVOJLANTIRISH METODIKASINING SAMARADORLIGI Sayfiyev Hikmatullo Xayrulloevich	127
THE APPLICATION OF THE PEDAGOGICAL CONCEPT OF JADID SCHOOLS IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS AS A PEDAGOGICAL PROBLEM Shamsullayeva Ruxsatoy Sunnatullayevna	134
MULTIMEDIA VOSITALARI ASOSIDA TALABALARNING MUSTAQIL FIKRLASH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH METODIKASI Toshova To'ygul Amin qizi	141
INKLYUZIV TA'LIM MUHITIDA MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNING HAYOTIY KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK MEKANIZMLARI Urunova Dilafr'o'z Muzafarovna	145
МАКТАБ КЛАСТЕРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН, КОМПЕТЕНЦИАВИЙ ВА РЕСУРСЛАРГА АСОСЛАНГАН ЁНДАШУВЛАР Максуда Умаровна Бадалова	153
ЭВОЛЮЦИЯ ПОНЯТИЯ «КОММУНИКАТИВНАЯ	158

КОМПЕТЕНЦИЯ» В ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ТЕОРИИ: ОТ ЯЗЫКОВОГО ЗНАНИЯ К ИНТЕГРАТИВНОЙ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ХАРАКТЕРИСТИКЕ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ Нуруллаева Гузал Анваровна	
FILOLOGIYA FANLARI	
ОТ ПЕРЕЖИВАНИЯ К СМЫСЛУ: АВТОРСКАЯ МЕТОДИКА ИНТЕРПРЕТАЦИОННОГО ОСВОЕНИЯ ПОЭЗИИ А. АХМАТОВОЙ В ПРОЦЕССЕ ЯЗЫКОВОГО И ЛИЧНОСТНОГО РАЗВИТИЯ УЧАЩИХСЯ Жабборова Гулчехра Жобировна	168
NUTQIY AKTNI TADQIQ ETISHNING LINGVOPRAGMATIK VA ANTROPOSENTRIK MEZONLARI Akramova Surayo Renatovna	174
TILNI O'RGANISH JARAYONIDA SUN'IY INTELLEKTNING KALIT JIHATLARI VA UNDAN SAMARALI FOYDALANISH STRATEGIYALARI: RAQAMLI DAVR TILSHUNOSLIGINING YANGI UFQLARI Boymurodova Nishona Yunus qizi	178
IMOM G'AZZOLIY ASARLARIDA "ILM" KONSEPTINING LINGVOKOGNITIV TALQINI Barnoyeva Zarina Sayfiddinovna	184
ПУТЬ К СМЫСЛУ ЧЕРЕЗ СИМВОЛ: АВТОРСКАЯ МЕТОДОЛОГИЯ ПРЕПОДАВАНИЯ ТВОРЧЕСТВА А. БЛОКА В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ЛИТЕРАТУРНОГО ОБРАЗОВАНИЯ Жабборова Гулчехра Жобировна	189
INGLIZ XALQ ERTAKLARI LINGVOMADANIY-DIDAKTIK MIKROKORPUSINI SHAKLLANTIRISH: TANLASH MEZONLARI VA ANNOTATSIYA MODELI Djabbarova Feruza Azamovna	194
JOMIY VA NAVOIY IDIOSTILIDA "LA'L" KONSEPTI VA UNING METAFORIK XUSUSIYATLARI Tavakkal Choriyev	200
SUN'IY INTELLEKT ASOSIDAGI ADAPTIV TOPSHIRIQLARNING TALABALAR KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHDAGI O'RNI Shabonova Shaxnoza Baxriddinovna	213
ANIQ VA TABIIY FANLAR	
BO'LAJAK BIOLOGIYA O'QITUVCHILARINING KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHGA QO'YILADIGAN ZAMONAVIY TALABLAR Hamdamova Nozima Mukimovna	218
GRAFIK SAVODXONLIKNI BAHOLASHDA ANIMATSION DIAGNOSTIKA VOSITALAR Xo'janiyozov Shokir Rustamovich	225